O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги бўюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 25 февраль, № 39 (3838) Шанба

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

24 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш кун тартибига киритилган Сенат раиси ҳақидаги масала бўйича давлатимиз раҳбари ўз фикрини билдириб, қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Олий Мажлис юқори палатасининг 2005 йил 27 январдаги мажлисида Мурот Шарифхўжаев Сенат раиси этиб сайланган эди. М.Шарифхўжаев Сенат раиси сифатида мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Лекин унинг саломатлиги бу лавозимда ўз имкониятларини тўла намоён этиш имконини бермади.

Ана шу сабабларга кўра, М.Шарифхўжаев Сенат раиси лавозимидан озод этиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Мажлисда М.Шарифхўжаевнинг аризасини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов томонидан Сенат раислигига номзод тўғрисидаги масала кўриб чиқиш учун Сенат аъзолари муҳокамасига қўйилди.

Албатта, бу лавозимга тавсия этиладиган номзод ҳаётий ва профессионал нуқтаи назардан етарлича тажриба орттирган, ташкилотчилик қобилиятига эга, атрофдагиларнинг эътирофи ва ҳурматини қозонган бўлиши лозим.

Айни пайтда у депутатлик фаолияти тажрибасига эга бўлиши, парламент фаолиятининг хусусиятларини, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги ишининг моҳияти ва мақсадларини яхши англаши даркор.

Сенатни ташкил этиш ҳақидаги қонун талабларига риоя қилган ҳолда, шуни айтиш зарурки, ушбу лавозимга номзод айни вақтда мамлакатимизнинг ҳам маҳаллий, ҳам марказий идоралари фаолияти билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув ва хўжалик юритиш тизимининг республика ва маҳаллий тузилмалари ҳал этиши лозим бўлган масалалар ҳақида аниқ хабардор ва тасаввурга эга бўлиши ишни самарали ташкил қилишда катта аҳамият касб этади, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз, ана шундай мезон ва талабларни ҳисобга олган ҳолда, Сенат раиси лавозимига Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётган Илгизар Собиров номзодини тавсия этди.

Илгизар Матёқубович Собиров 1959 йил 20 февралда Хоразм вилояти, Қўшкўпир туманининг Ўртаёп қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек, олий маълумотли. 1986 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Юридик фанлар номзоди. Меҳнат фаолиятини Қўшкўпир туманидаги жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 1980 йилда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Университетни тугатгач, 1986-1994 йилларда педагогик фаолият ва илмий иш билан шуғулланган, Тошкент юридик институтининг жиноят ҳуқуқи ва криминалистика кафедрасида ўқитувчи, проректор, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим, илмий котиб лавозимларида ишлаган. Олий судда, сўнгра Олий хўжалик судида пленум котиби, Олий хўжалик судининг аъзоси бўлган, Хоразм вилояти адлия бошқармасига раҳбарлик қилган. 2000-2003 йилларда Иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлигига сайланган, Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раисининг ўринбосари, кейин эса Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмита раиси вазифаларида хизмат қилган. 2003-2005 йилларда Хоразм вилоятининг Қўшкўпир тумани ҳокими бўлиб ишлаган. 2005 йилда Сенат аъзолигига сайланган.

Ушбу масала бўйича бўлиб ўтган муҳокамаларда сенаторлар — Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари Ё.Одилов, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори В.Пак, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев сўзга чиқиб, И.Собиров номзодини қўллаб-қувватладилар.

Мажлисда И.Собировни Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов ўтган давр мобайнида Сенат фаолиятида эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд муаммолар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, парламентимизнинг юқори палатаси олдида турган устувор мақсад ва вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Қуйида ана шу нутқ матни эълон қилинмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Сенат фаолияти хусусидаги ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Сенатимиз иш бошлаганидан буён роппа-роса бир йил ўтмоқда.

Албатта, ўтган вақт Сенат фаолиятига қатъий баҳо бериш учун катта муддат эмас. Лекин, шундай бўлса ҳам, ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон бор, деб ўйлайман.

Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, Сенат фаолиятини йўлга қўйиш нисбатан қисқа ташкилий даврда амалга оширилди.

Раҳбарият таркибини сайлаш, ижро тузилмалари, қўмиталар ва комиссиялар фаолиятини, ишчи аппаратини шакллантириш, турли таҳлилий гуруҳлар ишини ташкил этиш билан боғлиқ жиддий ва масъулиятли масалалар узоққа чўзилмасдан тез муддат ичида ҳал этилди, бу борада катта сафарбарлик кўрсатилди.

Энг асосийси — Сенат ўзининг амалий фаолиятида дастлабки кунларданоқ ўз профессионал қобилиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш этди, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Сенат қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Конституциямизга киритилган янги ўзгартиришлар ва қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ ташкил этилган бу тузилма ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир карра исботлади. Сенатнинг ўтган даврдаги фаолияти бу ҳақиқатни тўла-тўкис тасдиқлади.

Мен ҳозир Сенатнинг кўпқиррали фаолияти билан боғлиқ барча масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, менинг қарашим бўйича, унинг фаолиятига доир энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган вақт мобайнида Сенат ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Бу борада қуйидаги мисоя алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди.

Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради. Ва шундай мисоллар мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганини яна бир бор намойиш этади.

Сенат томонидан Бош вазирни ва Бош прокурорни тасдиқлаш, Конституциявий суд, Олий ва Олий хўжалик судларини шакллантириш бўйича қабул қилинган муҳим қарорларни аввало Сенат, қолаверса, мамлакатимиз ҳокимият тизимининг мустақил қонунчилик идораси бўлмиш парламентимиз — Олий Мажлисимиз ваколатларининг амалий жиҳатдан кенгайгани ва ҳуқуқлари анча ошганининг тасдиғи сифатида қайд этиш лозим.

Юқори палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясини кўриб чиқиб, мамлакат Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги актни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод этиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилди.

Маълумки, мазкур ваколатлар илгари давлат раҳбарига тегишли эди, энди улар мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи томонидан амалга оширилмоқда. Айни пайтда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Сенатга мамлакатимизнинг турли минтақаларида яшайдиган фуқаролардан 700 дан ортиқ хат ва аризалар тушди ва бу мурожаатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сенат — мамлакатнинг Олий Қонунчилик органи, Олий Мажлиснинг юқори палатаси сифатида шаклланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарам Сенат аъзоларига юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Шу билан бирга, бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан. Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шуни очиқ тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминламаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой-жойига қўймаганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуни назарда тутиш керакки, Сенат вакиллик органи бўлиб, сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланади ва улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзолигига сайланган.

Бошқача айтганда, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Яна бир бор такрорлаш лозим — маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан нафақат алоқа, нафақат ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик ҳам ҳали-бери шаклланмаган.

Сенат кенгаши томонидан 2005 йилнинг 21 ноябрида, яъни Сенат ташкил этилганидан сўнг деярли бир йил ўтгач, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик ҳаракатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси" тасдиқланган эди. Лекин атиги 9 банддан иборат бўлган бу ҳужжат талаблари ҳам ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда.

Иккинчидан. Маълумки, Сенатнинг мутлақ ваколатига кирадиган ўта муҳим масалалар бор. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига кўра Сенатга берилган бу ваколатдан ҳам ҳисобот даврида етарли даражада фойдаланилмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинмасдан, тегишли хулосалар чиқарилмасдан, айтиш мумкинки, юзаки кўрилган. Сенат ва Сенат аъзоларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Бу ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, шу соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни тўғри йўлга қўйиш борасида мавжуд бўлган жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонларга, шу идораларнинг масъулиятини ошириш масаласига керакли эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, аввало ҳудуд ва минтақаларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш, юртимизда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар, масалан, ишсизлик муаммосини муҳокама қилиш юзасидан Сенат томонидан ташаббуслар сезилмаяпти.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни таклаб қиладиган янгича ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар — қонунлар, жиноий жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда.

Кўрянсизки, бу соҳада муҳокама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар етарли. Лекин, шунга қарамасдан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроринг ҳисоботи 2006 йилга кўчирилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат қўмиталари бор-йўғи иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Мурот **Шарифхўжаев** саломатлигига кўра ўз аризасига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари **Ф. МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Илгизар Матёқубович **Собиров** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари **Ф. МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 февраль.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

экология қўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ижроси муҳокама этилган, холос.

Учинчидан. Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра суҳбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳокамалар жиддий тайёргарликсиз, кўрилган масала бўйича амалий таклифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Кўпинча бундай тадбирларда муҳокама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол ва таклифларни такрорлашдан нарига ўтилмаяпти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда ғоят долзарб мавзулар кўтарилади, лекин, афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий таклифлар ўртага ташланмайди.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра суҳбатлари кўзланган мақсадларга хизмат қилмаяпти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улардан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-қоида қабул қилинган. Яъни, бундай муҳокама ва семинарлар фақат маълумот бериш, мавжуд фактларни қайд этиш билан чекланмаслиги, аксинча, бу муҳокамалар пировард натижада зарур қонунчилик таклифларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

Тўртинчидан. Сенат назорат фаолиятининг самарадорлиги, парламент назоратининг таъсирчанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда, бу ишларни Қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилмаётгани натижасида назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такрорлаш ва ортиқча куч сарф қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

Бешинчидан. Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини, аввало, қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа — ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича келишув комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб бориши кимгадир ғалати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига тегмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида келиб чиқадиган баҳс ва мунозараларни иш тартибида ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида яқинда қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Бугунги йиғилишимизда Олий Мажлисимизнинг юқори палатаси бўлмиш Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чуқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти якунларини кўриб чиқиш масаласи ушбу ялпи мажлис кун тартибига киритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, муҳтарам сенаторлар, бу масалани муҳокама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофлича чуқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган сайловчиларингиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб олишингиз, ўйлайманки, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз дўстлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида кечираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз — марказда ёки узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, корхона, ташкилот ёки хўжаликларда бўладими — юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги куни учун катта умид ва ишонч туғдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан якунлаганимиз сизларга яхши маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншооллоҳ, ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳолимизнинг кундалик ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз — бу иқтисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўладими, янги-янги иш ўринларини яратиш, шунинг ҳисобидан одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш, таъминотини яхшилаш, ҳар қайси инсонга Оллоҳ берган ақл-заковат, куч-қувват ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда имконият яратиш бўладими — буларнинг барча-барчаси ана шундай ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу борада биздан, яъни қонун чиқарувчилардан нима талаб қилинади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда аввламбор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳиби ёки ташаббускор ишбилармонми — ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қонун ва юридик нормаларни амалда татбиқ этишда, мана шу жараённи жиловлаб, қўлга олиб қаттиқ назорат ўтказишда бошқош бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади.

Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш — бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлисимизнинг қуйи — Қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Сиз, муҳтарам Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар халқ ноибларининг вакиллари бўлиб, юксак ваколат соҳиби сифатида, ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши биладиган инсонлар сифатида бу масалаларга катта масъулият билан қарашингиз талаб қилинади.

Ишонаманки, шундай юксак ишончга сазовор бўлган сиз, муҳтарам сенаторлар ўз масъулиятингизни ҳар томонлама чуқур англаб, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг умиди, орзу-ниятларини амалга оширишда ўзингизни аямай хизмат қиласиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, муваффақият ва омадлар тилайман.

* * *

Кун тартибига мувофиқ юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юқори палата томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг ушбу масала бўйича қарор тайёрлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Сенаторлар "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Ушбу қонунда кўзда тутилган мақсад банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, автоматлаштирилган банк тизимидаги ахборотни рухсатсиз олиш, нусха кўчириш ва автоматлаштирилган банк тизимига бошқа шакларда аралашувдан муҳофаза қилишдан иборат. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомилларини тартибга солишга, мажбурий тартибда сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар ва хизмат турларини камайтиришга қаратилган "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, истеъмол кредити берадиган ташкилотлар ва ўз фаолияти натижаларидан даромад оладиган жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни кўзда тутадиган "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Сенаторлар томонидан илгари Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида қайтарилган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида парламентнинг ҳар иккала палатаси аъзоларидан тенг асосда келишув комиссияси тузилган эди. Мазкур қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Сенат 2006 йилнинг 25 февралида ўз ишини давом эттиради.

А. ТЎРАЕВ, Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бозор шароитида — корпоратив бошқарув

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув Марказида "Давлат инвестицион активларини ишончли бошқариш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари" мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.

Давлат мулки қўмитаси ташкил этган ушбу тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида Президент маърузасида кўрсатиб ўтилган йўналишлар асосида амалга оширилиши шарт бўлган ишлар атрофлича таҳлил этилди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, семинар давомида мутахассислар томонидан корпоратив бошқарув тамойилларининг мақсади, давлат акция пакетларини бошқаришнинг усуллари, корхоналарда кузатув кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, давлат улушларини ишончли бошқариш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хусусида маърузалар қилинди ва иштирокчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарилди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

«Кимошди»да ким ғолиб?



Президентимизнинг шу йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 11 январдаги ушбу фармон ижросига бағишланган Қарорида юртимизда мазкур соҳани комплекс ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари белгилаб берилди. Жумладан, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этишда боғ ва токзорларни асосий восита сифатида талабгорларга "Кимошди" (аукцион) савдолари орқали сотиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур тадбирнинг адолатли ва ошкора ўтишини таъминлаш мақсадида айни пайтда жойларда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

– Гап шундаки, қайта ташкил этиш комиссиялари вакилларининг барчасини ҳам аукцион савдоларини ўтказишда бирдай тажрибага эга деб бўлмайди, – дейди республика Кўчмас мулк биржаси бош мутахассиси Эгамназар Остонов. – Бироқ бу жараёнда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар борки, бўлажак савдолар олдидан бунга масъул вакиллар шу ҳақда батафсилроқ маълумотга эга бўлишлари талаб этилади. Шу мақсадда 18 январда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳамда "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси келишуви асосида "Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва токзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилди. Адлия вазирлигида рўйхатга олинган бу ҳужжатда "Кимошди" савдоларини ташкил этишнинг алоҳида тартиб ва қоидалари баён этилган.

Ёпиқ аукцион савдосига келсак, у ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида ўтказилиши, бироқ бу ҳақда 30 кун олдин хабарнома берилиши лозим. У эълон шаклида бўлиб, ширкат аъзолари ва пайчиларининг танишиши учун қулай бўлган шаклда ширкат биносига осиб қўйилади.

— Гапингиздан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ўша хабарномада аукцион савдосига оид барча маълумотлар бўлиши керак. Шундайми?

— Албатта. Унда "Кимошди" савдосини ўтказиш жойи, санаси, бир талабгорга сотилиши мумкин бўлган боғ ва токзор сонига нисбатан умумий йиғилиш томонидан ўрнатилган чекловлар кўрсатиб ўтилади. Савдонинг шакли, унда қатнаша оладиган даъвогарлар рўйхати ҳам эълон қилинади. Бундан ташқари, иштирок этиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак? Уларни қабул қилишни тўхтатиш санаси қачон? Талабгорлар мана шу саволларга ҳам хабарномалар орқали батафсил маълумот олишлари мумкин. Савдога қўйилаётган боғ ва токзорларнинг бошланғич нархи, унда қатнашиш учун тўланадиган гаров пули миқдори, муддати, тартиби ва банк рақами ҳам хабарномада ўз аксини топган бўлиши шарт.

Талабгорлар, шунингдек, махсус комиссия томонидан белгиланган миқдордаги гаров пулини ширкатни тугатиш ҳисоб рақамига ўтказишлари ёки нақд ҳолда тўлашлари зарур. Гаров пули миқдори комиссия томонидан ҳар бир ер участкасидаги боғ ва токзорлар учун алоҳида белгиланиб, уларнинг бошланғич нархи ўн фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Айтиш жоизки, гаров пули аукционда қатнашиш истагини билдирган талабгор савдодан сўнг ўз зиммасига оладиган мажбуриятларни таъминловчи восита ҳисобланади. Унинг қиймати ширкат билан бўладиган ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишда инобатга олинади.

— Келинг, бевосита "Кимошди" савдосини ўтказиш тартиби хусусида тўхталайлик. Чунки, юқорида таъкидлаганингиздек, яқинлашиб келаётган аукцион савдолари олдидан унда иштирок этишни хоҳловчи талабгорларга қўшимча маълумот бўлса ажаб эмас.

— Савдони ўтказиш учун комиссия аъзолари орасидан тегишли малакага эга бўлган аукциончи белгиланади ёки таклиф этилади. Унда талабгорлардан ташқари бошқа шахслар, жумладан, қишлоқ фуқаролар йиғини ва Жамоатчилик Кенгаши вакиллари кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин. Ҳар бир лойиҳа бўйича аукционда фақат шу лойиҳага ариза берган талабгор иштирок этишга ҳақлидир.

Агарда савдо давомида даъвогар ғолибликни қўлга кирита олмаса, ўзи олдиндан ариза берган бошқа лойиҳалар бўйича ҳам яна иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай пайтда қўшимча гаров пули тўлаш шарти қўйилмайди. Чунки аввалдан тўлаб қўйилган гаров пули кейинги лойиҳалар бўйича ҳам инобатга олинади.

Шу ўринда яна бир нарсага изоҳ бериб ўтиш керак. Мабодо тугатилаётган ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши томонидан чеклов 1 та боғ ва токзор монидан чеклов миқдори иккита боғ ёки токзор деб белгиланган бўлса, у имкониятига қараб қатнашиши мумкин. Фақат бу гал ўша талабгор кейинги лойиҳа бўйича аукцион бошлангунига қадар тегишли гаров пулини тўлаши лозим бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат борки, бу аукцион нархларининг қадам-бақадам ўсиб бориш тартиби билан боғлиқ. Одатда савдо аукциончи томонидан ариза берган талабгорларнинг махсус рақам белгиси, аукцион объекти, унинг бошланғич нархи ва аукцион қадамини маълум қилишдан бошланади.

Дастлабки бошланғич нарх эълон қилингандан сўнг махсус рақам белгисини биринчи бўлиб кўтарган талабгор кўрсатилади. Мабодо бошқа талабгор томонидан ҳам махсус рақам белгиси кўтарилса, аукциончи тегишли қадамга мувофиқ кейинги нархни эълон қилади. "Кимошди" шу тарзда энг юқори нархни таклиф қилган битта талабгор қолгунча давом эттирилади. Ниҳоят, аукциончи энг юқори нархни қўйган талабгорнинг махсус рақам белгисини уч маротаба такрорлайди. Агарда бошқа даъвогар топилмаса, у ғолиб деб эълон қилинади.

Сўнгра савдода ғолиб бўлган талабгор, махсус комиссия раиси ва аъзолари ўша куниёқ аукцион натижалари тўғрисида шартнома кучига тенг бўлган баённомани 3 нусхада имзолайдилар. Савдо баённомасини тузиш ва расмийлаштиришни кейинги кунга қолдириб бўлмайди.

– Кутилмаганда аукцион ғолиби баённомани имзолашдан бош тортса, қандай йўл тутилади? Шундай ҳол рўй бериши ҳам мумкин-ку, тўғри эмасми?

– Рўй бериши мумкин. Мабодо шундай вазият юзага келса, айтиб ўтиш лозимки, талабгорнинг олдиндан тўлаган гаров пуллари унга қайтариб берилмайди. Лойиҳа эса қайтадан савдога қўйилади. Савдо ўз тартибию шакли асосида давом эттирилади.

— Бирор-бир лойиҳадаги боғ ва токзорга ўтказиладиган савдода қатнашиш учун умуман талабгорлар бўлмаса-чи?

— Бундай ҳол ҳам кузатилиши мумкин. Агарда, ҳақиқатан ҳам, бирор-бир лойиҳага даъвогар чиқмаса ёки фақат битта талабгор қатнашса, аукцион ўтказилмаган ҳисобланади. Уни ўтказиш махсус комиссия қарори билан бир ҳафта муддатга кечиктирилади. Кечиктирилган аукционга ҳам талабгорлардан аризалар тушмаса, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) умумий йиғилишининг қарори билан мазкур боғ ва токзорни очиқ "Кимошди" савдосида сотиш ҳақида эълон берилиши мумкин. Боғ ва токзорларни очиқ аукцион савдосига эса мазкур соҳада муайян иш стажи ва малакага эга бўлган шахслар таклиф этилади.

— Энди айтинг-чи, боғ ва токзорларни сотишдан тушган маблағлар қайси мақсадларга йўналтирилади? Очиғи, бу масала ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий.

— Бу маблағлар, энг аввало, тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг ҳисоб рақамига туширилиб сўнгра кредиторлик қарзларини узишга йўналтирилиши мумкин. Қолган қисми эса ўша ширкат хўжалиги пайчилари ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

— Барча жараёнлар қачон ниҳоясига етади?

— Қарорда шу йилнинг 20 мартигача тугаллаш кўзда тутилган.

Яна бир гап. Республика Кўчмас мулк биржаси мутахассислари мол-мулклар "Кимошди" савдоларини ташкил этишда етарлича амалий тажрибага эга. Шуни инобатга олиб, Давлат мулки қўмитаси ана шу мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, жойларда боғ ва токзорларнинг аукцион савдолари орқали сотилишида малакали ходимларимизнинг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Бу ҳақда қайта ташкил этиш комиссиялари эътиборига мурожаатномалар ҳам тақдим қилинган. Шунга мувофиқ, комиссия вакиллари савдони ўтказиш билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган барча саволларга РКМБнинг жойлардаги мутахассисларини жалб қилган ҳолда ортиқча расмиятчиликсиз, қоғозбозликсиз батафсил жавоб олишлари мумкин.

Республика Кўчмас мулк биржаси томонидан, шунингдек, амалий семинарлар ҳам ташкил қилинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад шуки, қайта ташкил этиш комиссияси раислари, тугатилаётган ширкат хўжаликлари пайчи ва аъзолари ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб ола олишсин. Ана шундай анжуманлар ҳозиргача Тошкент, Наманган, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилди.

Суҳбатдош: Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Махфий маълумотлар очилди

Эрон БМТ инспекторларига уранни бойитиш лойиҳаси ҳақидаги шу пайтгача сир сақлаб келинган маълумотларни тақдим қилди. Бу ҳақда «Рейтер» агентлиги хабар беради. Ғарб давлатлари айнан шу лойиҳани ядровий қурол ишлаб чиқариш билан боғлашаётган эди. Исми маълум қилинмаган юқори мартабали шахснинг айтишича, МАГАТЭ инспекторлари бир неча кун ичида Техронга бориб, мазкур «Яшил туз» номли лойиҳа юзасидан текширув ўтказишади. Бу маълумотлар келгуси ҳафта МАГАТЭ бошқарувчилар кенгашига агентлик раҳбари Муҳаммад ал-Барадеи томонидан тақдим этиладиган ҳисоботнинг муҳим қисми бўлиши кутилмоқда. 6 март куни МАГАТЭ йиғилиши бўлиб ўтади ва унда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга нисбатан санкциялар қўллаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.



Саҳрода ядро синовлари

23 февраль куни Буюк Британия сўнгги тўрт йил ичида илк марта ядро қуролларини синовдан ўтказди. Қуролсизланиш тарафдорларининг фикрича, бу синовлар Буюк Британия томонидан янги ядро бомбаси ишлаб чиқилаётганидан далолат беради. Аммо мамлакат мудофаа вазирлиги расмийлари бу маълумотларни рад этди, деб ёзади Guardian газетаси. Синовлар АҚШ ядро қуроллари хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш бўйича дастур доирасида ўтказилди. Хавфсизлик бўйича британ-америка ахборот кенгаши маълумотларига кўра, Невада штатидаги саҳрода, 300 метр чуқурликда портлатилган ядро заряди ёрдамида янги ракеталар яратиш мумкин.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Тўқнашувлар авж олди

Ироқнинг Самарра шаҳридаги Ал-Аскария масжиди портлатиб юборилганидан сўнг бошланган тўполонлар оқибатида сўнгги 2 кун ичида 130 киши ўлдирилди. «Франс-Пресс» агентлиги хабарига кўра, Ироқ президенти Жалол Талабоний мамлакатдаги асосий жамоатчилик ва диний ташкилотлар етакчилари билан учрашиб, барчани диний зиддиятлар ва зўравонликка қарши курашишга чақирди.

Айни пайтда чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси Бағдод кўчаларининг ўзида ўқ жароҳатлари билан ҳалок бўлган 80 нафар одамнинг жасади топилди. Нахравон шаҳрида полиция ходимлари яна 47 та жасад ва ёқиб юборилган 10 та машина топишган. Ушбу тўполонларга сабаб бўлган масжиднинг портлатилиши «Ал-Қоида» ташкилотининг Ироқдаги бўлими томонидан амалга оширилган деб тахмин қилинмоқда.



Ҳарбий тўнтариш амалга ошмади

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарларига кўра, Филиппин хавфсизлик кучлари мамлакатда режалаштирилган ҳарбий тўнтаришнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Армия қўмондони генерал-лейтенант Гермоген Эсперонинг муҳим қилишича, ушбу тўнтаришнинг асосий ташкилотчилари — армия генерали ва денгиз қўшинларида юқори лавозимда ишловчи зобит қўлга олинган. Бу шахслар кеча ўтказилган байрам намойиши пайтида ўз қўл остидаги ҳарбий кучлар ёрдамида тартибсизликлар бошлаб юбориш ва шу тариқа амалдаги ҳукуматни ағдариб ташлашни кўзлашган. Эсперон бу воқеа юзасидан 14 нафар ҳарбий тергов қилинаётганини ҳам маълум қилди.

Навбатдаги шов-шув

Human Rights First инсонпарварлик ташкилоти АҚШнинг Ироқ ва Афғонистондаги қамоқхоналарида ҳалок бўлганлар сони борасида янги шов-шувли маълумотларни эълон қилди. Унда айтилишича, 2002 йилдан буён ушбу қамоқхоналарда вафот этганлар сони 98 нафарга етган. Шундан 34 та ҳолатда қотиллик аломатлари мавжуд, деб ёзади The Telegraph газетаси. Ҳарбийлардан олинган маълумотлар ва ахборот агентликлари тарқатган хабарлар асосида тайёрланган 128 саҳифалик ҳисоботда таъкидланишича, Пентагон маъмурияти маҳбуслар билан ёмон муомалада бўлиш ҳолларининг барчаси юзасидан текширувлар олиб борилаётганини кўп марта айтган бўлса-да, мазкур ўлим ҳолатларининг ярми ҳалигача текшириб кўрилмаган.

Ҳамма ҳам рози эмас

БМТ Бош Ассамблеяси раиси халқаро ҳамжамиятга Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш тузиш ҳақидаги резолюция лойиҳасини тақдим қилди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги хабарида айтилишича, швед дипломати Ян Элиассон томонидан ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа БМТга аъзо бир қатор ғарб давлатларида норозилик уйғотди. Лойиҳа БМТнинг янги органини яширин овоз бериш орқали сайланадиган 47 аъзодан таркиб топишини ва бир йилда 3 марта чақирилишини кўзда тутади. Норозилик шундан иборатки, баъзи мамлакатлар аъзолар 53 тага етказилиши ва Бош Ассамблея йиғилишида сайланиши кераклиги, Кенгаш эса доимий ишловчи орган бўлишини талаб қилишмоқда.

Қутқарув ишлари якунланди

Аввал хабар қилинганидек, пайшанба куни эрталаб 5:45 да Россия пойтахти Москва шаҳридаги Басман бозорининг томи тушиб кетган ва кўплаб қурбонлар бўлганди. Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги штабидан олинган маълумотларга кўра, том остидаги барча жойлар текшириб кўрилди ва қутқарув ишлари тугатилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, фалокат оқибатида қурбон бўлганлар сони 57 нафарга етди, ҳалок бўлган 34 кишининг шаҳси аниқланди. Улар орасида 13 ёшли бола ҳам бор. Жароҳатланган 32 киши шифохонага ётқизилган. Москва мэри Юрий Лужков азият чекканлар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилишини айтиб, бозор ўрнида замонавий савдо маркази барпо этилишини маълум қилди.

Ороланган табиат

Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейида рангтасвир усталари, ёш рассомларнинг кўргазмаларини ташкил этиш анъанага айланиб қолган. Яқинда бу ерда таниқли мусаввирлар Ж. Абдуллаев ва Р. Жалиловларнинг "Табиат манзаралари" деб номланган кўргазмаси очилди.

Фарғона водийсининг бетакрор манзаралари, пурвиқор тоғлар, Шоҳимардон, кўҳна Марғилону Қўқон кўчалари ва ана шу гўшани обод қилаётган меҳнаткашлари ҳаёти акс эттирилган расмлар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу кўргазмага нафақат Фарғона шаҳри, балки қўшни туманларда яшовчи санъат ихлосмандлари ҳам ташриф буюришмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси

телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танловнинг қуйидаги таклифлари бўйича буюртмаларга аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати 2006 йил 9 мартгача узайтирилганлигини эълон қилади:

	Частота	Узаткич қуввати	Тарқатиш ҳудуди
	I. Фаолият тури – телевидение эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш)		
1-лот	34-телевизион канал (574-582 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Янгиобод шаҳри, Тошкент вилояти
3-лот	25-телевизион канал (502-510 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Узун шаҳри, Сурхондарё вилояти
5-лот*	5-телевизион канал (92-100 МГц частоталар полосалари)	5 кВт	Бухоро вилояти
8-лот*	31-телевизион канал (550-558 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Бухоро шаҳри
19-лот	7-телевизион канал (182-190 МГц частоталар полосалари)	30 Вт	Оқтош қўрғони, Самарқанд вилояти

* *Ижара шарти билан*

Изоҳ: танлов ўтказиш тўғрисида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида 2006 йилнинг 24 январида (№15) эълон берилган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

№	Объект номи	Объектнинг нархи ҚҚС билан сўмда	Қурилишни якунлаш муддати
1.	Наманган вилояти, Чуст тумани, Баймоқ қишлоғидаги клубни ва болалар боғчасини қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 720/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига тайёр ҳолда мослаштириб қуриш	**1 491 916 950**	**2006 йил 1 сентябрь**
2.	Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳрида тиббиёт йўналишидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш	**1 740 726 640**	**2006 йил 30 ноябрь**

Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. **Телефонлар:** (8-3692) 26-63-03, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй** (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.

Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

Вилоятлар халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим бошқармалари бошлиқлари, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати 2005-2006 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимламоқда. Университетни битирувчи бакалавр ва магистрларга келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида, сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотингизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, турар-жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига шу йилнинг 15 мартига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети кундузги бўлимини 2005-2006 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумот

№	Йўналишлар, мутахассисликлар / Шаҳар (туман) ва вилоятлар	Бакалавриат: Инглиз филологияси	Таржимонлик факультети	Немис филологияси	Француз филологияси	Испан филологияси	Рус филологияси	Халқаро журналистика	**Жами**	Магистратура: Инглиз лингвистикаси	Немис лингвистикаси	Француз лингвистикаси	Славян лингвистикаси	Испан лингвистикаси	Таржима назарияси ва амалиёти	Халқаро журналистика	**Жами**
1.	**Тошкент шаҳри туманлари**																
	Яккасарой тумани	13	15	1	1	1	1	2	**34**	4				1	3	1	**9**
	Шайхонтоҳур тумани	37	19	2		3	1	8	**70**	8					2	2	**12**
	Учтепа тумани	23	21	2	2	2	8	6	**64**	5			1	1	6		**13**
	Юнусобод тумани	61	21	4	3	3	1	8	**101**	6		3			4		**13**
	Сирғали тумани	38	6	2				5	**51**	6							**6**
	Чилонзор тумани	51	15	7	2	1	7	12	**95**	7	1				4	2	**14**
	Ҳамза тумани	29	13	6	1		6	5	**60**	4	1			1		2	**8**
	Миробод тумани	28	2	6	1		1	2	**40**	2		1				1	**4**
	М.Улуғбек тумани	53	13	7	2	1	4	6	**86**	9					3	3	**15**
	С.Раҳимов тумани	25	14	1	1	1	4	9	**55**	7					2	2	**11**
	Бектемир тумани	12	1					2	**15**	1							**1**
2.	Андижон вилояти	13	6	3	1		1		**24**	3	3	1				1	**8**
3.	Бухоро вилояти	65	11	15	15	1		6	**113**	4	1		1				**6**
4.	Жиззах вилояти	12	3	1	1	1		4	**22**	2					1	1	**4**
5.	Наманган вилояти	13	7	5	2	2		2	**31**	3	1	1			2		**7**
6.	Навоий вилояти	12	5	7	6				**30**			2	1		2		**5**
7.	Самарқанд вилояти	12	10	9	5	5	1	2	**44**	1	1	2			1	2	**7**
8.	Сурхондарё вилояти	14	5	2				7	**28**	3	1						**4**
9.	Сирдарё вилояти	10	6	3	2	1	1	2	**25**	1	1					1	**3**
10.	Фарғона вилояти	35	7	5	4	1		5	**57**	8	2	1				2	**13**
11.	Хоразм вилояти	21	9		7		1	2	**40**	5		4			1	1	**11**
12.	Қашқадарё вилояти	48	10	20	3	1	1	7	**90**		1	1				2	**4**
13.	Тошкент вилояти	84	23	10	3	2	9	8	**139**	6		2	1		3	2	**14**
14.	Қорақалпоғистон Респ.	17	1		2			1	**21**	2			2		1		**5**
	Жами:	726	243	118	64	26	47	111	**1335**	97	13	18	6	3	35	25	**197**

Манзил: 700138, Тошкент ш., Собир Юсупов к., Г-9а мавзеси, 21- "а" уй, маркетинг хизмати бўлими. Мурожаат учун телефон: 75-09-91.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Навоий вилояти, Кармана тумани, «Жалоир» ш/хдаги Қуйи Буғ маҳалласида 2000дан 3000гача қатновга эга қишлоқ врачлик пункти қурилиши.

Объектнинг қурилиш муддати — 3 ой.

Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда** жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел./факс: (436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига !

Товар сертификатланган

ТАШКИЛОТ –
«ГАЗ» ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 126-12-94.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси жамоаси сут саноати бошқармаси бошлиғи Елқин Рашитхўжаевга падари бузруквори

Иноят РАШИТХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги меҳнат фахрийси

Олимбой ПРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Диллар туташганда

Сайид Мир Кулолнинг шогирдлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дейдилар: "Мен ёшлик пайтимда тун ярмидан сўнг Бухоройи шариф кўчаларини тозалашга чиқар эдим. Йўловчи мўминларга халақит берувчи тошларни, тиканларни йўлдан олар, ўнқир-чўнқир ерларни қўлларим билан текислардим. Бир неча йил менинг қўлларимдан тупроқ ҳиди келиб турарди. Бу хизматларни тунда қилишимнинг боиси шуки, фақат Тангри кўрсин, одамлар билмасин. Агар банда кўрса, билса, бу иш риёга айланади. Риёкорлик эса гуноҳдир".

Йўлда хизмат қилмоқ, йўл бунёд этмоқ, йўлни тозаламоқ савоби каттадир. Чунки йўл мамлакатларни мамлакатлар билан, одамларни одамлар билан, дилларни диллар билан туташтиради. Чунки йўл ибодатхонага, ишхонага, зиёратгоҳга етказади...

Нақл қилурларки, бир дарвеш Ҳазрат Баҳоуддинни тўхтатиб сўради: "Аллоҳ ҳаққи, рост айтинг, бундай қисқа муддатда шундай буюк мақомни Тангри таоло сизга қай хизматингиз эвазига берди?" Баҳоуддин унга дедилар: " Бу резачинлигимдандир!" Резачинлик не? Бу — йўлда ётган нон ушоғи бўладими, пахта бўладими, темир-терсак бўладими, уларни териб олмоқ, хуллас, йўлни тозалаш ҳисобланади. Резачинликда бир неча ҳикмат бор. Камтарлик, тежамкорлик, поклик. Камтар бандаларни Аллоҳ севади. Кибрли, манман кишилар асло резачинлик қилмайди. Кибру манманлик шайтоний хислатлардир. Кибру манманлик боис Шайтон лаънатланди, абадий ноумид бўлди.

Буни кўрингки, резачинлик шарофатидан, аниқроқ қилиб айтганда, халққа беминнат хизматлари туфайли Баҳоуддинга Аллоҳ улуғ даражаларни берган экан.

XXI асрга келиб Ҳазрат Баҳоуддин юрган йўллар, шунингдек, Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳларига олиб борувчи "Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси" равон, текис, икки томони гулзор, кечалари чироқлар шодаси ёниб турадиган, гўзал, обод бўлди. Бу кўчалар шундай тозаки, унда гард йўқ. У кўчадан туну кун зиёратчилар ўтади. Улар руҳий покланиш учун Юртбошимиз ташаббуслари билан бунёд этилган "Қасри Орифон"га бориб, Баҳоуддин Нақшбанд ва у кишининг оналари қабрини зиёрат қиладилар. "Нақшбандия илмий маркази"га кириб, китоб мутолаа қиладилар, орифона суҳбатлардан баҳраманд бўлиб кетадилар.

Йўлда хизмат қилмоқ, йўл бунёд қилмоқ, йўлни тозаламоқ савоби каттадир.

ИШОНЧ ВА ИФТИХОР ЁШЛАРИ

Бухоройи шарифдаги Лаби Ҳовуз — гурунгнинг асл жойи. Бу ерга келдингизми, албатта, Хўжа Насриддин Афандининг қувноқ хандаси, Неъмат Аминнинг қулгуси янграйди... Ва бирдан қалбингизни ажиб бир ҳис, бир файз қамраб олади. Қалбингиз ўз-ўзидан ёришади. Зеро, сизнинг даврангизга буюк Имом ал-Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Сайид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино ва бошқа авлиё, алломалар келиб қўшилади. Улар бениҳоя хурсанд. Нега хурсанд бўлмасин? Ахир уларнинг зиёратгоҳлари, қадамжолари, мозорлари обод бўлаётир. Асарлари нашр қилинаётир, ҳақларига дуойи фотиҳалар бўлаётир...

Яқинда бир ажиб воқеа содир бўлди. Олмониядан бир гуруҳ немис миллатига мансуб нақшбандийлар Бухоройи шарифга келиб, Етти пир зиёратгоҳларида бўлдилар. Уларнинг талабига мувофиқ Сайид Мир Кулол ҳазратлари мақбаралари зиёратига бирга бордим. Меҳмонлар билан Ҳазрат Мир Кулол, у кишининг устод ва шогирдлари таржимаи ҳоллари, уларнинг тарих олдидаги буюк хизматлари, бутун инсониятга намуна бўлгулик ҳаётлари тўғрисида суҳбатлашдик. Суҳбат тугагандан сўнг гуруҳ раҳбари Воҳид Нақшбандий (Асли исми Вайс. Ислом динини қабул қилгач, Воҳид исмини олган) менга деди: "Садриддин домла, биз бу зиёратдан ғоят мамнун бўлдик. Сизнинг берган маълумотларингиз ҳам бизни қониқтирди. Лекин, лекин... гапнинг тўғриси, сиз жуда самимий одам экансиз-у..." У нимадир демоқчи бўлар, лекин истиҳола, андиша қиларди. "Хўш-хўш,-дедим ҳаяжонланиб, — бемалол фикрингизни баён қилинг. Эътирозларингиз бўлса, бош устига! Агар каминадан бирор камчилик ўтган бўлса, олдиндан узр сўрайман ва камчиликларни тузатишга ҳаракат қиламан".

Меҳмон оҳиста гап бошлади: "Сиз, домла, бизни алдадингиз. Сайид Мир Кулол зиёратгоҳи деб, бизларни бошқа зиёратгоҳга олиб келдингиз. Мана Сайид Мир Кулол зиёратгоҳи!" У шу гапларни айтиб, менга бундан ўн йил олдин Сайид Мир Кулол зиёратгоҳлари тасвири туширилган суратни кўрсатди ва: "Бизлар бундан ўн йил муқаддам Сайид Мир Кулол зиёратгоҳларида бўлганмиз", — деди ишонч билан. Шунда мен: "Воҳид дўстим! Тўғри, бу сурат бундан ўн йил олдин олинган зиёратгоҳ тасвири. Лекин Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан вайронага айланган мазкур қадамжо обод қилинди. Ҳукумат билан халқ бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилди. Сиз кўраётган ва таниб бўлмас даражада ўзгарган бу зиёратгоҳ Сайид Мир Кулол зиёратгоҳидир. Мен асло сизни алдаганим йўқ. Қўлингиздаги сурат ҳам сизни алдагани йўқ. Ҳозир эса кўзларингиз ҳам сизни алдаётгани йўқ!"

Менинг ҳаяжоним меҳмонларга ҳам юқди. Улар ҳам ҳаяжонландилар. Менинг кўзларимдаги севинч ёшлари, ифтихор ёшлари Воҳидга ҳам таъсир қилди. Воҳиднинг кўзларида ҳам ёш кўринди. Бу ишонч ёшлари эди...



GURUNG

Ривоят қиладиларки, қадимда Соҳиб исмли бир деҳқон яшаб ўтган экан. У жуда меҳнатсевар, миришкор, тадбиркор бўлган экан. Шу боис боғидаги дарахтлар, токлар ҳаддан ташқари кўп мева бераркан. Деҳқон меҳнати орқали бойиб кетибди. Лекин Соҳибнинг бойлиги кўпайгани сайин бахиллиги ҳам орта бошлабди.

Соҳиб деҳқон қиссаси

Бора-бора у куз фасли яқинлашганда, қушлар емасин деб ҳар бир мевани ўраб қўядиган бўлибди. Натижада қушларнинг бу боғдан насибаси узилибди. Айримлар Соҳиб деҳқонга танбеҳ бериб: "Бу ишингиз яхши эмас. Қўйинг, қушлар ҳам ўз ризқини териб есин. Бу мевалар ҳаммага етиб ортади!" — десалар, деҳқон уларнинг гапига эътироз билдириб дермиш: "Қушлар бу дарахтларни экканми? Ёхуд қушлар буларни парвариш қилганми? Уларни мева егилари келса, марҳамат боғ бунёд қилсинлар-да!"

Соҳиб деҳқон умрининг охиригача бахилликдан воз кечмабди. Иттифоқо, кунлардан бир кун Соҳиб деҳқон бу фоний дунёни тарк этибди. Уни тупроққа топширибдилар. Ўша асру айёмда яшаётган бир авлиё зот туш кўрибди. Қараса, катта бир боғ, боғнинг ўртасида гўзал қаср, қасрда ажаб жиҳозлар, ўртада олтин тахт. Тахтнинг устида умрини бахиллик билан ўтказган Соҳиб деҳқон роҳат қилиб ўтирибди. Унинг олдидаги дастурхонда эса барча ноз-неъматлар муҳайё.

Авлиё кўзларига ишонмай сўрабдилар: "Сиз ҳалиги Соҳиб деҳқон эмасми? Қушлардан меваларни беркитадиган бахил эмасми? Ажаб?!»

Соҳиб деҳқон жавоб берибди: "Э авлиё бобо, дарҳақиқат, мен ўша сиз билган деҳқонман. Гумроҳлик қилиб боғимдаги меваларни қушлардан қизғанардим. Лекин мен ғофил банда билмасманки, қурт-қумурсқалар, чумолилар меваларимдан баҳраманд бўларкан ва қоринлари тўйганидан сўнг ҳақимга дуо қиларкан. Мана шу қурт-қумурсқалар, чумолиларнинг дуоси шарофатидан жаннати бўлдим, тақсир!.."

Бош урилмаса, кўз очилмас...

Донишманд боболаримиз кеккайган, такаббур кишиларни, мана, қандай қилиб жазолашган. Ҳужра эшигининг паст бўлишидан ҳикмат шуки, "Эй инсон! Камтарин бўл, эгилиб ичкарига кир. Бошинг осмонга етган бўлса ҳам, бу илм даргоҳида кибрга, манманликка берилма! Мана шу ҳужраларга таъзим қилиб кирганларнинг юксак даражаларига эътибор бер. Улар муҳаддисларнинг султони бўлди, авлиёларнинг султони бўлди, бутун дунё табибларининг султони бўлди!"

Ўзбекистонимиздаги мадрасаларга бир қаранг! Уларнинг гумбазлари баланд, дарвозахоналари, пештоқлари маҳобатли, юксак. Лекин ҳужраларига кириш эшиклари паст. Нега шундай? Бунинг бирор ҳикмати борми?

Бир кун ғарбдан келган бир сайёҳ мадрасанинг ҳужрасига кираман деб бошини эшик тўсини, яъни болодарисига чунонам уриб олдики, кўзларидан ўт чиқди чамамда. Бир неча муддат бошини чангаллаб, ўтириб қолди. Сўнг... Сўнг аста-секин таъзим қилиб, эгилиб ҳужрага кирди.

"Қўлингиздан не иш келади?" Йигит деди: "Тақсир, менинг қўлимдан ҳамма иш келади!" Бобо ҳайратланиб: "Йўғ-э, наҳотки, ҳамма иш қўлингиздан келса!"— дедилар. "Буюринг, тамом, кўз очиб юмгунча айтганларингизни ҳал қиламан!"-деди корчалон кеккайиб. Шундан сўнг Теша бобо унга хизмат буюрдилар: "Ўғлим, мана бу сомонхонадаги бир қоп сомонни сутга айлантириб беринг. Ҳозир жуда ҳам сут ичгим келаяпти!" У ажабланиб: "Йўқ, тақсир, бундай иш қўлимдан келмайди!"-деди. Теша бобо дедилар: "Бу иш оғир бўлса, майли уни қилмай қўя қолинг. Сиз, яхшиси, мана бу тут дарахти баргларини истеъмол қилиб, уни ипакка айлантириб беринг!" Йигитнинг ранги ўчди, тили тутилди ва паст товуш билан деди: "Тавба, тақсир, бу ишни ҳам қила олмасман! Бундай хизматларни қилишдан мен ожиз!"

Теша бобо узоқ сукутдан сўнг унга танбеҳ бериб дедилар: "Эй фарзанд, оддий бир сигир, оддий бир қуртнинг қўлидан келадиган ишни уддалай олмайсиз-у, яна "Қўлимдан ҳамма иш келади" дейсиз. Шуни билингки, ҳамма иш ёлғиз Тангри таолонинг қўлидан келади. Корчалон киши сидқидилдан тавба қилди. Чунки унинг боши ҳужра эшигига қаттиқ урилган эди. Ва шундан кейингина унинг кўзи ғафлатдан очилди.

Қайтар дунё

Бўйрабон гузарида бир ҳалвопаз бобо яшарди. Иттифоқо бир куни шом пайти ҳалвопаз бобонинг уйи ёнидан ўтиб кетаётганимда, бобони дарвозаси ёнидаги супада йиғлаб ўтирганини ва якка-ю ёлғиз ўғлини қарғаганига гувоҳ бўлдим. Кейин маълум бўлишича, бетавфиқ ўғил маст бўлиб, бобони бир мушт урган экан.

Йиллар ўтди. Ҳалвопаз бобо вафот қилди. Ўғли эса уйланди ва ўнта ўғил фарзанд кўрди. Ота қариганда ўнг қўли билан ўнг оёғи фалаж бўлди. Ўғилларнинг бири ароққа, яна бири гиёҳвандликка, яна бири қиморга ружу қўйишди. Ҳар куни ўн ўғил отани бир муштдан урадиган бўлишди. Ҳар гал ота фарёд чекканида кўз олдимда ҳалвопаз бобонинг йиғлаб ўтиргани намоён бўлади. Қулоғимда эса бобонинг қарғиши эшитилади... Буни кўрингки, ўз падари бузрукворини бир мушт урган учун ҳар кун ўн муштдан "мукофот" олаяпти. Йиллар ўтди. Ота ҳам қазо қилди. Лекин ўғилларнинг ҳаммаси жувонмарг бўлди. Ҳалвопаз бобо ҳовлисининг чироғи ўчди. Оқпадарнинг чироғи ўчди, деганлари шу бўлса керак!

Меҳмон оҳиста гап бошлади:

— Сиз, домла, бизни алдадингиз. Бизлар бундан ўн йил муқаддам Сайид Мир Кулол зиёратгоҳларида бўлганмиз.

Шунда мен:

— Воҳид дўстим! Тўғри, бу сурат бундан ўн йил олдин олинган зиёратгоҳ тасвири. Лекин Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан вайронага айланган мазкур қадамжо обод қилинди



БИР УМРЛИК САБОҚ

Нақл қилишларича, бухоролик ёш, навқирон, бақувват бир йигитнинг кўнглига Шайтон васваса солибди ва у ўғрилик қилмоққа бел боғлабди. Ота-она, ёру оғайнилар берган панду насиҳат унга асло таъсир қилмабди. Йигит ғоят жасур, бир сўзли экан. Ҳар бир касбу корнинг устоди бўлгани каби, ўғриларнинг устодини қидириб-қидириб Нишопур деган мамлакатга келибди.

Бухоролик йигит унинг уйига келиб, муддаосини билдирибди. Устод эса бундай абжир йигитни кўриб, бениҳоя шод бўлибди, унга иззат-икром кўрсатибди. Йигитнинг олдига дастурхон ёзибди, бир тавоқ палов қўйибди. Йигит чарчаган, оч-наҳор эмасми, "Бисмилло" деб ошга қўл узатибди. Шу он устод уни овқат емоқдан тўхтатиб, дебди: "Эй шогирд! Ўнг қўл билан эмас, балки чап қўл билан овқат истеъмол қилинг! Ўғрилик касбини ўрганувчилар учун биринчи шарт шудир!" Йигит ўнг қўлини оёғи остига босиб, чап қўлини таомга чўзибди, лекин чап қўл билан овқатни ея олмагач, яна беихтиёр ўнг қўлини узатибди. Чунки йигит ҳаддан ташқари оч эди. Устод иккинчи марта танбеҳ бериб, дебди: "Эй фарзанд! Барча шартларингизни бажаришга тайёрман, деб

менга сўз бердингиз! Шуни билингки, ўғрилик касбини ўрганмоқликнинг биринчи шарти, чап қўл билан овқат емоқ, барча ишларни чап қўл билан бажармоқдур! Чунки сиз, эртага ўғрилик қиласиз ва қанчалик моҳир, эпчил бўлсангиз ҳам, бир кунмас бир кун қўлга тушасиз. Шунда билингки, сизнинг ўнг қўлингизни кесадилар ва сиз фақат чап қўл билан қоласиз. Ўшанда сизга оғир бўлмаслиги учун ҳозирдан чап қўл билан ишлашни ўрганинг! Тушундингизми?!"

Бухоролик йигит ўғрибошига деди: "Эй устод! Дунёдаги барча хазиналардаги олтину гавҳарларни жамлаб берсам, менинг кесилган ўнг қўлимни қайта ўз ўрнида кўришнинг имкони бўлурму?!"

Ўғрибоши деди: "Асло бўлмас!"

Йигит деди: "Унда берган таълимингиз учун ташаккур. Бу сабоғингиз менга бир умр етади. Лекин ниятимдан қайтдим. Олтиндан ҳам, гавҳардан ҳам қимматбаҳо бўлган қўлларимни ҳалол меҳнат учун сафарбар қилгумдур! Ўғри бўлмоқнинг биринчи шарти чап қўл билан овқат емоқ бўлса, менинг биринчи ниятим ўғриликдан кечмоқдир!"

Йигит шундай дея ҳалол меҳнатга ўзини урибди.

Шукрона

Бир ношукур эр-хотин яшаб ўтган экан. Улар фарзанд кутаётганда, бирдан доя: "Муборак бўлсин, Худо сизларга иккита фарзанд берди!"-дебди. Бу хабарни эшитган эр: "Ие, нега энди Худо бошқаларга биттадан фарзанд беради-ю, биздек қашшоқларга иккитадан бераркан, қани адолат?", деб ношукурлик қилибди. Доя яна бошқа шумхабарни етказибди: "Бу икки ўғилларингиз, яъни Ҳасан билан Ҳусаннинг елкалари бир-бирига туташ экан, улар ногирон!" Хотин фарёд уриб, дебди: "Дод, вой-дод, ҳаммага гулдай фарзанд берадиган Худо нега биздай камбағалга ногирон ўғилларни бераркан, шу ҳам адолатми?" Хуллас, ногирон болалар улғайибди. Лекин улар ҳам ота-онаси каби ношукур экан.

Кунлардан бир кун кўпкари бўлиши ҳақида жарчи хабар берибди. Ҳасан билан Ҳусанни аравага юклаб кўпкарига олиб чиқибдилар. Зора, болаларнинг кўнгли ёришиб, хурсанд бўлишса. Кўпкари айни қизиб турган пайтда бир от келиб Ҳасанни тепибди. Ҳасан шу он жон таслим қилибди. Ҳасанни кўмамиз, десалар, Ҳусан тирик. Кекса донишмандлар келишиб, ўлик Ҳасан билан тирик Ҳусанни бир аравага юклаб, кимсасиз саҳрога элтиб қўйибдилар. Ҳусан йиғлаб-йиғлаб елкасидаги Ҳасанни кўтариб, боши оққан томонга қараб кетаверибди. Ҳаётдан умидини узган Ҳусаннинг кўзи бир чашмага тушибди. Ўзиям роса чанқаган эмасми, чашманинг сувидан қонибқониб ичибди ва умрида биринчи марта сидқидилдан: "Худога шукур!" — дебди. Ҳусан чашманинг ичига кириб чўмилибди ва ҳайратдан қотиб қолибди. Чунки димоғидаги сассиқ ҳид йўқолган ва елкасидаги юкдан ҳам қутулган экан.

Бир бор шукрона қилганнинг шарофатини кўрингки, у барча ғам, барча азоб, барча дардлардан қутулиб, қайта дунёга келгандай, навқирон, гўзал йигитга айланибди...

* * *

Менинг борим нечун
сенга ғам бўлди?
У ўлди, деб, айтиб
кўнглинг жам бўлди.
Садриддин-ку, тирик,
оҳ, ўлса агар,
Билки, битта дуогўйинг
кам бўлди.

* * *

Менга қулфат тилаганга —
роҳат, ҳузур тилайман,
Менга дард, ғам тилаганга —
бахту сурур тилайман.
Ким бировга не тиласа,
ўзига қайтар бешак,
Менга ўлим тилаганга —
узоқ умр тилайман.

Саҳифани Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ тайёрлади.

Афлотун дейдики...

Афлотун деди: *"Дунёга ихтиёрсиз келдим ва яна ихтиёрсиз кетаётирман."*

Дарҳақиқат, банданинг дунёга келиши унинг ихтиёрида эмас. Биз ота-онамизни танлай билмаймиз, қачон ва қаерда, ким бўлиб туғилишимиз ҳам ихтиёримизда эмас. Инчунин, қачон ва қаерда ўлишимиз ҳам ихтиёримизсиз содир бўлади. Лекин мана шу икки ихтиёрсизлик орасидаги фаолиятимизда ихтиёримиз бор. Бу фаолият эзгулик ё ёвузлик, савоб ё гуноҳ бўлиши мумкин. Мукофот ва жазо ҳам ўз ихтиёримиз билан танлаган фаолиятимиз учун берилажак. Аниқроқ қилиб айтганда, биз ўзимиз учун ўз ихтиёримиз билан мукофот ёхуд ўзимиз учун ўз ихтиёримиз билан жазони тайёрлаймиз.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.45 Топширилди — 02.50 123456